

ISSN: 2181-4562

DOI Journal 10.56017/2181-4562



IMFAKTOR

# JOCAA

VOLUME I, ISSUE 9

МАДАНИЈАТ ВА САНЏАТ

# JOURNAL OF CULTURE AND ART

КУЛТУРА И ИСКУССТВО

NOVEMBER

2023



ISSN: 2181-4562  
DOI Journal 10.56017/2181-4562

# МАДАНИЯТ ВА САЊАТ ЖУРНАЛИ

I-ЖИЛД, 9-СОҢ

## ЖУРНАЛ КУЛЬТУРА И ИСКУССТВО

ТОМ-I, НОМЕР-9

## JOURNAL OF CULTURE AND ART

VOLUME-I, ISSUE-9

ТОШКЕНТ – 2023

# МАДАНИЯТ ВА САНЪАТ ЖУРНАЛИ

ЖУРНАЛ КУЛЬТУРА И ИСКУССТВО | JOURNAL OF CULTURE AND ART

№ 9 (2023) DOI <http://dx.doi.org/10.56017/2181-4562-2023-9>

## БОШ МУҲАРРИР:

Халикулова Гўзал  
Эркиновна

Ўзбекистон давлат санъат ва маданият институти  
профессори в.б., Санъатшунослик фанлари номзоди

## МАСЪУЛ МУҲАРРИР:

Мелиқўзиев Иқбол  
Мамасодиқович

Ўзбекистон давлат санъат ва маданият институти  
кафедра мудири, профессор в.б., Санъатшунослик  
фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)

## ТАҲРИРИЯТ АЪЗОЛАРИ:

Касимов Нозим  
Козимович

Ходжаметова Гулчира  
Илишевна

Маданият ва туризм вазирлиги “Таълим ва илм-фанни  
ривожлантириш бошқармаси” бошлиғи, профессор  
Ўзбекистон давлат санъат ва маданият институти Нукус  
филиали “Санъатшунослик” факультети декани, Тарих  
фанлари номзоди, профессор

Абдувоҳидов  
Фахриддин  
Мелигалиевич

Ўзбекистон давлат санъат ва маданият институти  
кафедра мудири, доцент, Санъатшунослик фанлари  
бўйича фалсафа доктори (PhD)

Кадиров Рамз  
Турабович

Умаров Мамур  
Боташикович

Ўзбекистон давлат санъат ва маданият институти “Саҳна  
нутқи” кафедраси доценти

Ўзбекистон давлат санъат ва маданият институти  
“Санъатшунослик ва маданиятшунослик” кафедраси  
профессори в.б., фалсафа фанлари номзоди

Худоев Ғани  
Муҳаммадович

Ўзбекистон давлат санъат ва маданият институти  
кафедра мудири, Санъатшунослик фанлари бўйича  
фалсафа доктори (PhD)

Бердиханова Шахида  
Нурлыбаевна

Юнус Ражабий номидаги Ўзбек миллий мусиқа санъати  
институти “Ўзбек мақоми тарихи ва назарияси”  
кафедраси мудири, санъатшунослик фанлари бўйича  
фалсафа доктори (PhD)

Дўсанов Раҳимжон  
Раимқулович

Ўзбекистон давлат санъат ва маданият институти, “катта  
ўқитувчи”, мустақил тадқиқотчи

Суннатиллаев Асатилло  
Суннатович

Юнус Ражабий номидаги Ўзбек миллий мусиқа санъати  
институти “Илмий тадқиқотлар, инновациялар ва илмий-  
педагогик кадрлар тайёрлаш” бўлими бошлиғи, мустақил  
изланувчи (PhD)

Алланбаев Рудакий  
Оринбаевич

Қорақалпоғистонда хизмат кўрсатган артист, “Шуҳрат”  
медали соҳиби, профессор в.в.б

Зиявутдинова Зулфия  
Усеиновна

“Мусиқа санъати” ихтисослиги бўйича доцент

Раимова Дилфузахон  
Махаммадсолиевна

“Мусиқа санъати” ихтисослиги бўйича доцент

Ботирова Хилола  
Турсунбаевна

“Мусиқа санъати” ихтисослиги бўйича доцент

“Маданият ва санъат” журнали 2023 йил 24 февраль куни № 065356-сонли гувоҳнома билан оммавий ахборот воситаси сифатида давлат рўйхатидан ўтказилган. Мазкур журнал **6 та** халқаро маълумотлар базаларида индексланган бўлиб, жорий йил учун **UIF 2023 = 7.7 “импакт-фактор”** кўрсаткичига эга.

Ўзбекистон Республикаси Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясининг 2023 йил 24 июлдаги 01-02/1199-сонли хатига мувофиқ ушбу журналда чоп этилган мақолалар **хорижий мақолалар сифатида тан олинади.**

Саҳифаловчи\Page Maker\Верстка: Абдураҳмон Хасанов

Таҳририят манзили: Тошкент шаҳар, Учтепа тумани, “Ватан” МФЙ, Чилонзор 24-мавзеси, 2/27-уй. Почта индекси 100152. Веб-сайт: [www.imfaktor.uz/com](http://www.imfaktor.uz/com)

Телефон номер: +99894-410 11 55, E-mail: [tahririyat@imfaktor.uz](mailto:tahririyat@imfaktor.uz)

© “ИМФАКТОР Pages” илмий нашриёти , 2023 йил.

© Муаллифлар жамоаси, 2023 йил.

# МАДАНИЯТ ВА САЊАТ ЖУРНАЛИ

ЖУРНАЛ КУЛЬТУРА И ИСКУССТВО | JOURNAL OF CULTURE AND ART

**МУХАМЕДОВА Ўғилой Низамовна**  
*Ўзбекистон давлат хореография академияси*  
*“Хореография” кафедраси*  
*профессори*  
<https://doi.org/10.5281/zenodo.10205596>

## ВАЛЕНТИНА РОМАНОВА

### АННОТАЦИЯ

Мақолада Ўзбекистон санъати устаси, раққосанинг ижрочилик фаолияти ҳақида гапирилади. Республикада рақс санъатининг босқичма-босқич босиб ўтган йўли, улуғ устозлар кўлида таҳсил олган ва ишлагани. Раққосанинг нодир рақс асарлари алоҳида айтиб ўтилган.

**Калит сўзлар:** рақс, миллийлик, хореография, санъати, раққоса, ансамбль, устоз, миллат, ўзлик, урф-одат.

## ВАЛЕНТИНА РОМАНОВА

### АННОТАЦИЯ

В статье рассказывается об исполнительской деятельности мастера искусств Узбекистана, танцовщика. Пошаговый путь танцевального искусства в республике, учился и работал у великих педагогов. Отдельно упомянуты редкие танцевальные произведения танцовщика.

**Ключевые слова:** танец, национальность, хореография, искусство, танцор, ансамбль, педагог, нация, идентичность, традиция.

## VALENTINA ROMANOVA

### ANNOTATION

The article talks about the performing activities of a master of arts of Uzbekistan, a dancer. Step-by-step path of dance art in the republic, studied and worked with great teachers. Rare dance works by the dancer are mentioned separately.

**Key words:** dance, nationality, choreography, art, dancer, ensemble, teacher, nation, identity, tradition.

*Водий қизларидан қолишмас асло  
Кулоч кокили-ю, ҳаё ибоси  
Рус қизи бўлсада Валя рақсидан  
Уфуриб туради ўзбек садоси.*



Ўзбекистон халқ артисти, Давлат мукофоти лауреати, меҳнат медали совриндори, бир неча мақтов ёрлиқлар эгаси Валентина Николаевна Романова 1938 йили Москва эндиликдаги Россия шаҳрининг ишчи оиласида дунёга келган. 1941 йил июнь тонги....

II-жаҳон уруши, қўнғироқ сочли рус қизалоғи Валянинг турмуш тарзини, оилавий мухитини қадирдон шахрини тубдан ўзгартириб юборди. Боиси шундаки фашизмнинг хавф хатари натижасида отаси меҳнат қилаётган Самолётсозлик заводи Тошкентга эвакуация қилинади. Бир неча ишчилар оиласи қатори Валянинг оиласи ҳам Тошкентга кўчирилади. Ўзга юрт шароитига мослашиш эса уларга осон кечмади. Аввалига бир беканинг тор, кичкина йўлакчасида кун кечиришга мажбур бўладилар. Аммо шу тор, кичкина йўлакча Валянинг ҳаётида кенг ҳаётга йўл, мустаҳкам пойдевор яратди.

Тақдирнинг қизиқлигини қарангки, деб ёшлик даврини эсга олади Валя: “Рўпарамиздаги қўшни хонада ўзбек санъатининг таниқли намоёндалари Комил Яшин, Халима Носировалар яшар эканлар. Уларнинг қизлари Нодира билан тез орада дўстлашиб олдим. 1945 йил 44-мактабга бордим. Кунлардан бир куни Халима опа, Нодира ва мени ўзи ижод қилаётган ишхонасига, яъни Свердлов номли театрнинг “Бўрон” операси томошасига олиб бордилар. Шу кундан бошлаб фикру-зикримни фақат санъат қамраб олди.

Бора-бора Свердлов театри қошидаги балет студиясининг фаол иштирокчисига айландим.

Биринчи устозларим Розия Каримова, В.Осипова, Вильзаклар деб биламан”. 1948 йили Валентина Романова Хореография билим юртига қабул қилинди ва шу йили Навоий театрига ишга тушади. “Пиковая Дама” операсининг 3-пардасида Амурчик ролини ижро этади. Билим юрти ўқувчилари билан биргаликда эса кичик-кичик рақс композициялари яратди. Хореография билим юртида Валя мумтоз рақсидан Зинаида Афанасьева, ўзбек рақсидан Мукаррама Турғунбоевалардан биринчи сабоқни олади. 1955 йилда у билим юртини тамомлади ва “Навоий” театрига йўлланма олади.

Мукаррама Турғунбоева “Навоий” театрида рақс сахналаштирувчи ва раққоса бўлиб ишлаганлар. 1957 йилда “Баҳор” ансамбли ташкил бўлгач, Мукаррама Турғунбоева ўзлари яхши билган Валяни ҳам бир қатор сараланган қизлар билан “Баҳор” ансамблига таклиф қилдилар. Оммавий рақсларни маромига етказиб келаётган Валя бора-бора яккахон рақс ижросига киришади. Жумладан: “Афғонча”, “Шўхи пари”, “Завқим келур”, “Икки доирали рақс”. Аммо уларнинг сараси шох рақси кўғирчоқ тахсинга лойиқ эди. Қойилмақом қилиб ижро этган бу рақс ҳар гал сахна юзини кўрганида томошабин томонидан гулдурос қарсақлар билан бир эмас, 2-3 мартаба ўйналган [1].

Ҳа, рус қизи Валянинг кичиккина бўй баста, кўнғироқ жамалак сочи, алвондек қип-қизил икки яноғи қия эгилган эгар қоши, ёниб турган тугмачадек кўзлари ансамбилимиз мусикачиси томонидан сахнага кўтариб чиқилганидаёқ хақиқий кўғирчоқдек қотиб туриши бир зумдаёқ томошабини сеҳирлаб кўярди.

Ҳа, дарвоқе, Мукаррама опанинг нозик диди, сахналаштирувчилик ижодий чўққиси шу даражада юксак эди-ки, ҳар бир раққосанинг кўриниши ва махоратини тўғри белгилаб хақиқий ёндошиб сахнадаги ижодий портретини либослар билан кўра билган.

1959 йили Австрияда бутун жаҳон талабалар фестивали бўлиб ўтади. “Баҳор” ансамблидан юборилган қизлар лауреат деб топилдилар. Шулар қаторида Валя ҳам бор эди. 1-ойлик Чехословакияга уюштирилган сафар эса рағбатлантирувчи мукофот бўлади. “Баҳор” ансамбли билан Валя республика бўйлаб сафарларда чет мамлакатларда бўлади. Шубҳасиз у ердан бир дунё таассуротлар оғушида қайтади. Биргина мисол; буни Валянинг ўзи хикоя қилиб берган. 1967 йили “Баҳор” ансамбли яна ижодий сафарга отланади. Ҳар галгидек аэропортда ўзга юртга ҳозирлик ила Тунис давлатига парвоз қилдик. Ҳаммининг дилида хаяжон [2]...

Устозимиз Мукаррама опа билан дўстона гурунглашиб кетардик. Табиийки бирортамиз либослар хақида ўй сурмасдик. Етиб келгач концертга ҳозирлик бошланиб кетди. Либослар қани? Англашилмовчилик бўлиб, кўйлақлар жойлашган “Кофри”лар Тошкент аэропортидан Тунисга эмас, балки Францияга юборилибди. Ана шунда мен яна бир бор устозимиз Мукаррама Турғунбоеванинг ҳар қандай вазиятдан “Ҳамирдан қил суғиргандек” осон чиқа билишларига, нафақат юксак маданиятли аёл, балки юқори савияли раҳбар эканлигикларига иқрор бўлдим. Опамизнинг узокни кўра билишлари она заминга бўлган чексиз муҳаббатлари садоқат-у тошқин меҳрлари бизни вазиятдан силлиқ олиб чиқди.

Опамиз шунда: Қизларим, турфа камалак рангда товлананаётган хон атласимиз қайси либосдан кам? Бугун шунда концерт берамиз, дедилар. Ҳақиқатдан ҳам чет эл сафарига отланаётганимизда ёнимизда шахсий атлас кўйлақларимизни олиб юрар эдик. Соф, тоза, бежирим тикилган устозим шахрининг ҳарорати уфириб турадиган Фарғонанинг сара оловли атласларида 2-пардали концерт программасини шахар уломоларига намоиш қилдик. Дарҳақиқат, ўзбек қизларига бетакрор хусн-тароват бағишлаб турадиган алвон атласларда, “Баҳор” қизларимиз баҳор ғунчаларидек сахнани яшнатиб юборишди. Навбатдаги концерт дастурига қардош халқлар либослари етиб келди.

Валя “Баҳор” ансамбли билан биргаликда қириқдан зиёд чет мамлакатларда бўлган ва у ердан олам-олам таассуротларга эга бўлмасдан, уларнинг урф-одатлари, кийиниш маданияти, ижодий алмашинув жараёнида қизларимиз, созандаларимиз ансамбилимиз репертуарига янги рақс безагини, мусиқий ритм садоларини олиб келганлар. 1980 йили Валянинг хонадонида қизалоқ дунёга келади ва устозининг вафотидан жуда таъсирланган шогирд Валя марҳум раҳбар хотирасини ёдга олиб ўз қизалоғига Мукаррама деб исм қўяди. 1982 йил “Баҳор” ансамблидан нафақага чиқади [3].

Йиллар давомида йиғган маҳоратини, ижодий тажрибасини ёш авлодга беришга қарор қилади. Биринчи беш йилликда Тошкент қишлоқ хўжалик механизациялаштириш олийгоҳида “Ором” гуруҳига раҳбар бўлиб, Грузия, Россия сафарларида бўлади. 1987 йил Маданият олийгоҳига ишга қабул қилинади. Валентина Романова 1992 йилда Доцент унвонига сазовор бўлган. У 1973 йилда давлат мукофоти соврундори, 1977 йилда эса Ўзбекистон халқ артисти унвони билан тақдирланган. Валентина Романова 2003 йил Тошкент шаҳрида вафот этади.

### ИҚТИБОСЛАР/СНОСКИ/REFERENCES

1. Авдеева Л. Ўзбек миллий рақс тарихидан (биринчи китоб). Т.:2001
2. Мухамедова Ў. Ўзбек рақсини саҳналаштириш амалиёти. Т.: 2020
3. Каримова Р. Меросий рақс дурдоналари. Т.: 2003

ISSN: 2181-4562  
DOI Journal 10.56017/2181-4562

# МАДАНИЯТ ВА САЊАТ ЖУРНАЛИ

I-ЖИЛД, 9-СОҢ

## ЖУРНАЛ КУЛЬТУРА И ИСКУССТВО

ТОМ-I, НОМЕР-9

## JOURNAL OF CULTURE AND ART

VOLUME-I, ISSUE-9

«Маданият ва санъат» электрон журнали 2023 йил 24 февраль куни № 065356-сонли гувоҳнома билан оммавий ахборот воситаси сифатида давлат рўйхатидан ўтказилган.

Муассис: «IMFAKTOR Pages» масъулияти чекланган жамияти.

Таҳририят манзили: 100152, Тошкент шаҳри, Учтепа тумани, “Ватан” МФЙ, Чилонзор 24-мавзеси, 2-уй.

Телефон номер: +99894-410 11 55

Эл. почта: [tahririyat@imfaktor.uz](mailto:tahririyat@imfaktor.uz)

Веб-сайт: [www.imfaktor.uz](http://www.imfaktor.uz)